

SUMMARY

The article is devoted to the study of the plot-compositional structure of the tragedy “Aydos baba (The head evaluated to thousand gold coins)” by T.Kaipbergenov. The author presents his ideas and points of view about the historical personality of Aydos biy.

ҚУРБОНБОЙ ЖИРОВ – ХАЛҚ ИЖОДИЁТИНИНГ МОҲИР БИЛИМДОНИ

С.Жумаева – филология фанлари номзоди, доцент

Қарши давлат университети

Таянч сўзлар: ижодкорлик, адабий муҳит, бахши, жиров, маърифий ғоялар, бадий образ, эртақ, достон, анъана, маҳорат.

Ключевые слова: творчество, литературная среда, бахши, жирау, просветительские идеи, художественный образ, сказка, дастан, традиция, мастерство.

Key words: creation, literary environment, bahshi, jirau, enlightening ideas, artistic image, fairy tale, epos, tradition, skill.

Фольклоршуносликда бахшиларнинг халқ ҳаётига якин туриши, халқ руҳини, интилишини, бой маънавиятини ёрқин тасвирлаш зарурлиги ҳақидаги ижодий қарашлар ноёб ҳазинамиз ҳисобланган оғзаки ижод намуналарини меҳр ва кунт билан муттасил тўплаш, ўрганиш ва адабий қайта ишлаш, деган фикрни ҳам ўз ичига олади. Бу жиҳатдан халқ ижодиётининг моҳир билимдони Қурбонбой жировнинг бой адабий мероси алоҳида эътиборга лойиқдир.

Қорақолпақ халқ жирови Қурбонбой Тожибоев ўзбек ва қорақалпоқ халқ достончилиги анъаналарини пухта эгаллаган ва туркий халқлар оғзаки ижоди ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли сўз санъаткоридир. Қурбонбой жиров “Гулдурсин афсонаси”, “Жонодил”, “Болтакей ботир”, “Гўрўғли”, “Ширин билан Шакар”, “Қаншайим”, “Менглихол” каби 20 дан ортик достонлар, кўплаб термаларни ёддан билган. Унинг ижодий меросидан фақат 17та достон ёзиб олинган, 9 таси нашр этилган. Ҳар бир достон ҳажми 1500 дан 25 минг мисрагача бўлиб, улар мавзу кўлами ва ғоявий-бадий жиҳатдан юксаклиги билан ажралиб туради. Қурбонбой жиров репертуарида қаҳрамонлик достонлари етакчи ўринни эгаллайди. Бироқ, унинг ижод гулшанида бадий мукаммал романик достонлар ҳам учрайди.

Қурбонбой жировнинг ижодий камолотида Нуротадаги достончилик анъаналари муҳим ўрин тутди. Чунончи, ўзбек, козоқ, туркман, қорақалпоқ бахши, оқин ва жировлари санъати ўзаро уйғунликда чатишиб кетган бу ижодий даргоҳда таълим олиш қорақалпоқ жировлари учун азал – аввалдан анъанага айланган эди [1:45]. Бу ерда яшаб ижод этган қорақалпоқ – ўзбек бахшиси Холмурод ҳар иккала халқ ижодкорлари учун баб-баравар устоз эди. Қурбонбой жиров ҳам бу анъанадан баҳраманд бўлиб, устози бисотидаги бадий мукаммал ва бетакрор достонларни ўрганди, ўз навбатида бу ердаги Бекмурод бахши Жўрабой ўғлига устозлик қилди. Бу ҳақда атоқли фольклоршунос Х.Т.Зарифов қуйидагиларни қайд этади: “Қорақалпоқ достончиларининг бир нечаси Нурота достончилигидан таълим олганлар... Машхур қорақалпоқ халқ шоири марҳум Қурбонбой жиров Нуроталик шоирларнинг таърифини эшитган, Тўрткўлдан Нуротага келиб таълим олган. Дастлаб, достончи бўлиб етилиши шу ерда бўлган. Шунинг учун Қурбонбой жиров ўзбек достонларини ҳам яхши қуйлар эди”[2:13].

“Қурбонбой жировнинг она юрти ҳисобланган Тўрткўл тумани аҳолисининг аксарияти ўзбек ва қорақалпоқ миллатига мансуб бўлиб, улар ўртасидаги қиссахонлик ва достончилик анъаналари узоқ тарихга эга эканлигини таъкидлаш жоиздир. Бу ерлик Жиемурод жиров Қурбонбойнинг иккинчи устози бўлди. Қорақалпоқ халқ жирови Жиемурод ўзбек бахшичилиқ санъатидан анча хабардор бўлгани туфайли унинг репертуаридаги достонлар ўзбек

достонлари билан жуда ҳамоҳанг эди”[4:23]. Айни шу омиллар сабабли, Қурбонбой жиров ўзига замондош бошқа бахшилар билан бирга бу эпик анъанани устозларидан қабул қилиб олиб, уни янада ривожлантирди, бадий мукаммал ва гўзал ҳолатда бизгача етказди. Фольклор заминиди мустаҳкам турган бу санъаткор янги-янги шакл ва имкониятлар излаб топиб, анъанавий усул ва тасвирий воситаларни янги мавзу ва ғояларга бўйсундирди.

Қурбонбой жиров ўзбек бахшилари каби анъанавий сюжетли достонларнинг моҳир устаси саналади. Зеро, у ҳам устозлари сингари оғзаки ижод намуналарини анъаналарда сақланиб келинаётган оддий мерос эмас, балки доимий ҳаракатда, ўсиш ва ривожланишда бўлган ижод сарчашмаси. Леб ҳисоблади. Шў маънода, халқ прозасига оид анъанавий сюжетли эртақ, афсона, ривоят ёхўд тарихий воқеалар жиров достонларига манба сифатида хизмат қилган. Жиров вларга ижодий ёндашиб, қайта ишлаб, эпик анъаналар доирасида достонлар, термалар яратган. Жумладан, унинг репертуаридан муҳим ўрин тутувчи “Гулдурсин афсонаси”, “Қаншайим”, “Менглихол” достонлари бахши – жировнинг ижодий лабораториясида дунёга келган.

Қурбонбой жировнинг “Қаншайим” достони атоқли фольклоршунос Қ. Максетов томонидан ёзиб олинган қўлёзма ҳамда нашрий вариантга эга. Вариантларнинг эпик асоси халқ эртақлари мотивлари бўлиб, булар “Озодачеҳра”, “Тухматга учраган келин” номли ўзбекча [6:57], “Вафо савдогар” номли қорақалпоқча эртақлар матни билан ғоявий – бадий хусусиятлари, сюжет ва образлари ўртасида ўзаро муштараклик касб этади. Кузатишларимизга кўра, достоннинг нашр варианты ўзбек эртаги асосида пайдо бўлиб, унга баъзи қорақалпоқ қаҳрамонлик достонларидаги анъанавий жанг эпизодларидан бирини қиритиб (Темирхон ва Абдурахмон олишуви – С.Ж.), асарнинг тасвир кучини оширган. Қўлёзма варианты эса бевосита қорақалпоқ эртаги таъсирида пайдо бўлиб, унда эртақка хос сюжет чизиклари, бадий уйдирма ва фантазия излари сақланган [3:54].

Қурбонбой жиров репертуаридаги “Менглихол” достони сюжети ўзбек халқ эртаги “Хўжа Бозиргон билан Ҳасан ўткинчи” ва қорақалпоқ эртаги “Жонсап” матнлари асосида яратилган [5:64]. Сюжет асосини ташкил қилувчи воқеликка кўра, акалари тирикчилик вадидан Менглихолни мулла Садуга омонат қолдириб, бошқа шаҳарга иш ахтариб кетишга мажбур бўлишади. Мулла эса қизнинг номусини булгаб, уни ўлдирди ва жасадини ерга кўмади. Достонда бу мотив кучли конфликтни юзага келтиради. Асар сўнгида мулла Саду қатл этилади.

Эртақлар сюжети достонга айнан кўчирилмаган. Чунки достонда сеҳр ва муболага эртақдагига қараганда анча чекланган бўлиб, бадий тасвир ва ҳаётийлик етакчилик қилади. Образлар ҳам умумий тарзда эмас, балки муайян ҳолатларда хатти-

харақатлар, кечинмалар орқали тасвирланган. Сюжет эса реал воқееларга яқинлаштирилган, янги ижтимоий мазмун билан бойитилган. Бу жиҳатдан дoston воқеалари кўпроқ ўзбек эртаги вариантыга монанд келади. Чунончи, ҳар иккаласида ҳам қаҳрамонлар оддий халқ вакиллари бўлиб, эртақда Ҳасан ўтинчи, дostonда эса камбағал Отабойнинг ўғиллари – Омон ва Аширди (Қорақалпоқча эртақ вариантыда – Жонсап шоҳ ўғли – С.Ж.). Улар характери бeлгилoвчи хусусият – ҳалол меҳнат билан яшаш ва ёвузликка мурасизликдир.

Ўзбек ва қорақалпоқ эртақлари вариантыдаги сюжет асосини ташкил қилувчи қуйидаги мотивга диққат қилайлик: Бир маккор кимса ёвузлик билан бойиш йўлини топади. У бозорда юриб, “қирқ кун боқаман, бир кун иш буюраман” деб жар солади ва шу хизмати эвазига йигитларни ҳўкиз териси тўлимига солади, тўлимни эса бургут баланд тоғ тепасига чиқариб ташлар экан. Тоғ усти олтинга кон бўлиб, ундан тушишнинг иложи йўқ. Пастда қолган маккор йигитлар думалатган олтинларни туяга юклаб қочиб қолар экан. Тепадаги киши эса ўлимга маҳкум. Эртақлар вариантыдаги сюжетни умумлаштирувчи бу каби анъанавий мотивлар ифодасида ҳар иккала халққа хос ҳикоявий усулни, образлар талқини ва бадиият бeлгиларини кўрамыз. Чунончи, маккор кимса ҳар иккала эртақ ва дoston матнида савдогар бўлиб, ўзбекча вариантда Хўжа Бозиргон [6:94], қорақалпоқ эртақда Хидир деб аталади [5:67]. Унинг тузоғига илинган йигитлар ҳар иккала эртақлар матнида Ҳасан ва Жонсап, дoston вариантыда эса Ашир ва Омон бўлиб, маккордан қутулишда ҳар бирининг ўз йўли бор. Эртақларда Ҳасан ва Жонсап биринчи марта тоғ тепасига чиқиб, абжирликлари туфайли яна ерга тушишади (бири бургутнинг, иккинчиси парининг ёрдамида – С.Ж.). Иккинчи марта яна ёвуз савдогарга учрайди, бу гал унинг ўзини тўлимга солишади ва жазолашади. Дoston матнида эса бу ечим бошқачарoқ [5:84]. Ашир ва Омон унинг хизматиға рози бўлишгач, маккор уларни қирқ кун боқади, минг тилло беради ва

ниҳоят бир кунлик иш буюриш учун тоғ томон олиб келади. Йўлда Омон нуроний чолға дуч келиб, савдогарнинг ёвуз ниятидан огоҳ бўлади. Савдогар тери тўлимини (бу сафар қўй терисидан – С.Ж.) тайёрлаб, Аширни унга тикмоқчи бўлиб турганда Омон етиб келади ва ака-укалар тўлимға ёвузнинг ўзини солишади. Бургут кўтариб, тоғ тепасига қўйган тўлимдан чиққан савдогар энди олтинларни пастға – йигитларға думалатишға мажбур бўлади. Савдогарнинг ялиниб, ёлворишларига ишонган ака-укалар унга шафқат қилишмоқчи бўлишади. Лекин уни тоғдан пастға туширишнинг иложи йўқ. Айни ўринда ака-укалар киёфасидаги инсонийлик хусусиятлари намоён бўлади.

Англашиладики, дoston матниға асос бўлган бу мотивлар эртақдан ўзлашиш жараёнида фантастик бeлгиларни реал ҳаётий хусусиятларға алмаштира бошлаб, янги жанр компонентига айланиб қолган. Персонажлари оддий тоифаға мансуб бўлган дostonларда уларнинг характери ижтимоий зиддиятға, адолатсизликка қарши курашда очилади. Ёвуз савдогарнинг макри шундай адолатсизлик кўринишларидан бири бўлиб, унинг ака-укалар томонидан қош этилиши анъанавий эпик ечимдир. Эртақнинг қорақалпоқча вариантыда савдогарнинг ҳийласи Жонсапнинг саргузаштлари соясида тасвирланса, ўзбекча вариантда асосий диққат ўша ҳийлани рад этишға қаратилган. Ҳар иккала эртақдаги ана шу муҳим эпизод ўзаро уйғунлашиб, дostonнинг эпик негизини ташкил этганки, бу ижтимоий – маиший мавзунини кўтаринки усулда баён этишға имкон берган.

Хулоса қилиб айтганда, ғоявий-бадиий жиҳатдан юксак асарлари билан халқ донолигининг ҳайратомуз ижод сарчашмасидан қониб баҳра олган, унинг гўзал ва бетакрор намуналарида маънавий бойлигимизнинг кўз илғамас қирраларини кўра билган атоқли сўз санъаткори Қурбонбой жирoв ўз ижодий лoбараториясида ўзбек ва қорақалпоқ халқ эртақчилиги ва дostonчилиги анъаналаридан фойдаланишнинг мумтоз намунасини намоиш этган.

Адабиётлар

1. Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. -Тошкент: «Фан», 1979.
2. Булбул тароналари. Беш томлик.1-том. -Тошкент: «Фан». 1989.
3. Саидов М. Ўзбек халқ дostonчилигида бадиий маҳорат. -Т.: «Фан». 1969.
4. Максетов К. Каракалпакский эпос. -Т.: «Наука». 1977.
5. Қорақалпоқ фольклори. 1-том. -Нукус: 1997.
6. Ўзбек халқ эртақлари. 1-том. -Т.: Ғ.Ғулом нашриёти. 1963.

Мақолада Қурбонбой жирoв ижодий меросининг ўзбек ва қорақалпоқ адабий муҳитида тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз юритилган. Қурбонбой жирoвнинг эртақчилик ва дostonчилик анъаналаридан фойдаланиш маҳорати таҳлил этилган.

РЕЗЮМЕ

РЕЗЮМЕ

Статья посвящается раскрытию места и значения творческого наследия Курбанбая жираву в узбекской и каракалпакской литературной среде. Проанализировано мастерство использования традиций сказок и эпосов в творчестве Курбанбая жираву.

SUMMARY

The article is devoted to the disclosure of the place and significance of the creative heritage of Kurbanbay jirau in Uzbek and Karakalpak literature. There have been analyzed the skill of using the traditions of fairy-tales and epodes in the creation of Kurbanbay jirau.

«ШӘРЬЯР» ДӘСТАНЫНДАҒЫ ГҮЛШАРА ОБРАЗЫ ЖАСАЛЫҒЫНЫҢ ГЕЙПАРА МӘСЕЛҒЕЛЕРИ

Ш.Кеңесбаева – таяныш докторант

Әжинияз атындағы Нәкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: «Шарьяр» дostonи, идея ва образ, бош қаҳрамон образи, образ ва конфликт, реалистик ва ҳаёлий фантастик образлар.

Ключевые слова: дастан «Шарияр», образ главного героя, образ и конфликт, реалистический и задуманно-фантастический образ.

Key words: epos «Shariyar», the main character, character and conflict, realistic and imaginative characters.

Ҳәр қандай көркем шығармадағы, ол, мейли, айтылажақ ой-пикир, бул көркем мийрасларда формалық, мейли, жазба әдебиятлық дәретпе болсын, жаратылған қаҳарманлар образы менен тиккелей